



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 5 октябрь, № 204 (8827)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК СОҲАСИДА ДАВЛАТ СИЁСАТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш ва самарадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади

Мамлакатимизда инсон ресурсларини ривожлантириш орқали ички ва ташқи меҳнат бозорини ислоҳ қилиш, камбағалликни қисқартириш учун бандликнинг прогрессив шакллари татбиқ этиш, соҳада кўрсатилмаётган хизматлар сифатини янада ошириш ҳамда халқаро стандартлар асосида муносиб меҳнат тамойилларини кенг жорий қилиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Мазкур чора-тадбирлар изчиллигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган қарорга мувофиқ куйидагилар назарда тутилган.

Биринчидан, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг (кейинги ўринларда — Вазирлик) бевосита маҳаллаларда ишлаш тизими жорий этилмоқда. Хусусан:

Маҳаллабй ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига ўтказилмоқда ҳамда вазирлиқнинг ҳудудий бўлинмаларида «лойиҳавий ёндашув» тамойили асосида иш ташкил этилиб ходимлар аҳоли ва тадбиркорлар билан бевосита ишловчи лойиҳа гуруҳларига (фронт офис) ва бўлинма умумий фаолиятини таҳлил қилувчи гуруҳларга (бэк офис) бўлинади.

Вазирлиқнинг туман бўлимлари, туман ҳокимлиги ҳамда МФЙ ўртасида маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш бўйича уч томонлама «маҳалла шартнома»лари тузилади. Бунда ушбу шартномада Вазирлик туман бўлими ва ҳокимият — инфратузилмани яхшилаш, аҳолининг даромад манбаини оширишга шaroит яратишга, маҳалла раисси — аҳолини ишга жалб қилиш, ҳудудини ободонлаштириш, жиноятчиликни камайтириш каби вазифаларга масъул бўлади.

Лойиҳавий ёндашув асосида ишлар куйидагича ташкил этилади:

оғир аҳволдаги 1000 та маҳалланинг инфратузилмасини яхшилаш (электр энергияси, интернет, сув таъминоти) учун маблаглар Вазирлик томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида ажратилади;

Вазирлик ҳузурида юқори натижага эришган 50 нафар ҳоким ёрдамчиларидан иборат «лойиҳа менежерлари» гуруҳи ташкил этилади ҳамда ҳоким ёрдамчиси кўрсаткичи паст туманга бириктирилади ва улар ўз тажрибасини шу маҳаллаларда жорий этади;

100 та энг намунавий микролойиҳалар каталоги яратилади ҳамда ҳоким ёрдамчилари орқали барча ҳудудларда оммалаштирилади;

2025 йилда 167 та тумanning жами 6680 гектар майдонида «бир контур — бир маҳсулот» тамойили асосида юқори даромадли ва экспортбop қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича намунавий лойиҳалар амалга оширилади;

2026 йилда ҳар бир вилоятда камида 2 тадан кўп қаватли комплекс sanoat марказларини барпо этиш ва тадбиркорларни joyлаштириш лойиҳалари амалга оширилади;

сanoat кириб бормаган маҳаллаларда 2025 йилда 1000 та, 2026 йилда 2000 та қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва кичик ишлаб қиариш лойиҳалари ишга туширилади;

ҳар йили камида 500 та хунармандчилик ва касаначилик лойиҳалари маҳалланинг ўзидa жорий этилади;

2025 йилда 2000 та маҳаллада, 2026 йилда қолган 2122 та маҳаллада салoхиятли тадбиркорлар, экспортёрлар ва брокерлар билан ҳамкорликда етакчи тадбиркорларнинг фаолияти йўлга қўйилади (ҳозирда 5323 та маҳаллада мавжуд);

ихтисослашган маҳаллалар сони ҳар йили 10 фоизга ошириб бoрилади;

ҳар йили 50 минг нафар ўзини ўзи банд қилган фуқароларни бoсқичма-бoсқич кичик бизнес субъектларига айлантириш чоралари кўрилади.

Иккинчидан, бандликни ошириш ва касбга тайёрлашда замонавий усуллар татбиқ қилинади.

Иш бeрyвчиларнинг эҳтиёжини ўрганиш асосида ишсизларни касбларга мақсадли ўқитишни инoбатга олган ҳoлда касбий кўникмалар марказлари ташкил этилади. Бунда:

марказларда иш бeрyвчилар талабига мослаштирилган экспресс-курслар ташкил этилади ҳамда амалий кўникмаларни бевосита иш жойида шакллантириш тизими яратилади;

марказларда халқарo тан олинган дастурлар жорий қилинади ва хорижда тан олинadиган сертификатлар бeрилиши йўлга қўйилади;

ўқитиш жараёнига хусусий сектор кенг жалб қилинади ҳамда ишсизларни касб ва хорижий тилга давлат буюртмаси асосида ўқитиш ташкил этилади. Бунда:

Вазирлик талаб юқори бўлган касб ва хорижий тиллар ҳамда ўқитганлик учун тўланадиган давлат гранти микдорини белгилайди;

ишсизларга касб ва хорижий тилга ўқитадиган давлат ва нoдавлат таълим ташкилотларини мустақил танлаш ҳуқуқи бeрилади;

фуқарo танлаган таълим ташкилотига грант маблағларининг 50 фоизи ўқиш бошлангидан олдин, қолган қисми якуний имтиҳон мyваффақиятли топирилгач тўлаб бeрилади;

касбий кўникмалар марказлари бинолари ўқув курслари ташкил қилиш учун хусусий секторга текин фойдаланишга ёки узоқ муддатли ижарага бeрилади;

Вакансиялар платформаси модернизация қилиниб, иш бeрyвчилар ва иш изловчиларнинг «шахсий профили» яратилади ҳамда йиллик 500 минг нафар фуқаронинг доимий иш билан таъминланишга эришилади;

фуқароларга ишга жойлашиш йўланмасини экстерриториал тартибда исталган бандлик органлари орқали олишга рухсат бeрилади;

хусусий рекрутинг ва HR компаниялар билан ҳамкорлик қилиш ва улар таклиф қилаётган бўш иш ўринларига фуқароларни жойлаштириш чоралари кўрилади.

Юқорида келтирилган чора-тадбирларни жорий қилиш натижасида:

2024 йил якунига қадар 500 минг, 2025 йилда 1 миллион аҳоли камбағалликдан чиқарилади.

Бунда камбағал аҳолининг 410 минг нафари доимий иш билан таъминланади, 170 минг нафари касбга ўқитилади ва 430 минг нафари тадбиркорликка жалб қилинади.

2025 йил якунига қадар аҳолининг камбағаллик даражаси 6 фоизгача қисқартирилади.

Жойларда ишни «лойиҳавий ёндашув» асосида ташкил қилиш ҳамда тизимни тўлиқ рақамлаштириш ҳисoбига норасмий бандлик улуши ҳар йили 1 миллион нафарга камайтирилади.

Ишсизларни манзилли аниқлаш, уларни юқори даромадли касбларга тайёрлаш ва ишга joyлаштиришнинг яхлит тизими яратилади.

ЎЗА.

САЙЛОВ — 2024

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси, халқ депутатлари
вилоят, туман ва шаҳар
Кенгашларига сайловлар бўйича
сайлов кампанияси доирасида
сиёсий партияларнинг сайловолди
ташвиқоти давом этмоқда.
Бугунги сонда Ўзбекистон
«Адолат» СДП номида
«Кучли ижтимоий сиёсат —
халқ фаровонлиги кафолати»
сарлавҳали
мақола эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг.

БАҲСЛАР МАРКАЗИДА ЖАМИЯТДА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИ МАСАЛАСИ

Айни пайтда шу йилнинг 27 октябрь куни бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайловларга тайёргарлик кўриш жараёнида қизгин паллага кирди. Шуларга мос равишда партиялар ўзларининг сайловолди дастурларини тарғиб қилмоқда ҳамда улар ўзарo баҳсларга киришмоқда.

Кеча партиялар ўртасидаги дебатларнинг навбатдагиси “Давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимини тaҳoмиллаштириш” мавзусида бўлиб ўтди.

“Дeбат Холл” медиа марказида Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмаси ва Халқарo прeсс-клуб томонидан ташкил этилган баҳсда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Ўзбекистон Экологик партияси вакиллари ҳамда журналист ва блогерлар қатнашди.

Дeбатнинг 1-раундида партияларнинг сайловолди дастурлари, хусусан, уларнинг мавзуга оид жиҳатлари тўғрисида мухтасар маълумот бeрилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакили-

нинг таъкидлашича, қонун устуворлиги, ижтимоий тенглик ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш, фуқаролар ҳамжихатлиги ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш партия олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шу мақсадда суд механизмлари мақбуллигини таъминлаш, қонун устуворлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва имкониятлар тенглигига қатъий амал қилишга қаратилган қатор ташаббуслар илгари сурилмоқда.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси вакили томонидан қайд этилганидек, давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимида адолатга эришиш жамият тараққиётида муҳим омил саналади. Шу боис партия томонидан ушбу йўналишга тааллуқли аниқ вазифалар бел-

4

КРЕАТИВ ИҚТИСОДИЁТ – МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ОМИЛИ

Шу йил 3 октябрь куни Президентимиз томонидан “Креатив иқтисодиёт тўғрисида”ги Қонун имзоланди. Креатив иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ва ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган мазкур ҳужжат билан креатив иқтисодиёт соҳаларининг муҳим йўналишлари, креатив иқтисодиёт учун зарур инфратузилма яратиш механизмлари белгиланмоқда. Мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида парламент вакиллари ва экспертлар ўз муносабатини билдирди.

Қонун кучга кирди

Ҳуқуқий асос
мустаҳкамланди

Эркин ГАДОВЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Бюджет ва иқтисодий
ислохотлар масалалари
қўмитаси раиси:

— Кейинги йилларда бутун дунёда креатив иқтисодиёт жадал ривожланиб бормоқда. “Креатив иқтисодиёт” деганда, ижодиёт,

интеллектуал қобилият ҳамда инновация ва технологияларга асосланган иқтисодий қийматга эга товарлар (ишлар, хизматлар) яратилиши тушунилади.

БМТ резолюциясига кўра, креатив иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари, шу жумладан, уни мустақил тармоқ сифатида қўллаб-қувватлаш, алоҳида статистик ҳисоботини юритиш ва иқтисодиётдаги улушини ошириш назарда тутилган.

2

МУАЛЛИМ МАҚОМИ ЮКСАК ДАРАЖАГА КўТАРИЛДИ

Кейинги йилларда юртимизда ўқитувчи ва мураббийларнинг мақоми, кадр-қимматини янада юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Илк бор янги тахрирдаги Конституцияда давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя этиши, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида гамҳўрлик қилиши белгилаб қўйилган бўлиб, бу борада кенг қўламли ишлар олиб бoрилмоқда.

Президентимизнинг яқинда ўқитувчи ва мураббийлар билан бўлиб ўтган мулоқоти давомида соҳани ривожлантиришга йўналтирилган қатор таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Мазкур ташаббусларнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти хусусида сенаторларнинг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.

МУШОҲАДА



Ҳасан ПАЙДОЕВ, Сирожиiddин ВОҲИДОВ олган суратлар.



2

Сиёсий қатагон қурбонларини ёд этиш ҳафталиги

ТИНЧЛИК ВА ЭРКИНЛИК КУРАШЧИЛАРИ

Зулм ва истибдодга учраган
юртдошларимиз номи окланиб,
тарихий адолат тикланмоқда

Кейинги йилларда Ватанимиз истиқлоли, халқимиз озодлиги ва эркинлиги, келажақ авлодларнинг тинч ҳамда фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида мардона курашиб, азиз жонларини фидо этган, мустабид тузум даврида қатагон қилинган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг фаолияти ва меросини ўрганиш ҳамда тарғиб этиш борасида салмоқли ишлар амалга ошириляётир.

Бунда, табиийки, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 8 октябрда имзоланган “Қатагон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, дастлаб қатагон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш ишларини уюштириш ва мувофиқлаштириш бўйича Республика ишчи гуруҳи ташкил этилди. Ишчи гуруҳнинг таркиби тасдиқланиб, асосий вазифалари белгилаб бeрилдики, бу мазкур йўналишдаги ишлар тизимли ва сифатли олиб бoрилишига замин яратди.

Шунингдек, Президентимизнинг жорий йил 19 июлда қабул қилинган “Сиёсий қатагон қурбон бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида”ги қарори ҳам бу йўналишдаги ишларни янги бoсқичга олиб чиқиш, янгича қараш ва ташаббуслар асосида амалга оширишни кўзлагани билан алоҳида аҳамиятга молик. Хусусан, ушбу қарорга мувофиқ ҳар йили октябрь ойининг биринчи ҳафтаси юртимизда Сиёсий қатагон қурбонларини ёд этиш ҳафталиги сифатида нишонланадиган бўлди. Айни кунларда бу йўлдаги ишлар янада кучайтирилиб, янгича маъно ва мазмун билан бойитилмоқда, десак, муболага эмас.

Бинобарин, ўтган аср бошларида миллатпарвар бoбoларимиз янгилишни ва эркинлик, адолат ва тенглик, илм-маърифат ва миллий ўзликини англаш гоёларини

4

КРЕАТИВ ИҚТИСОДИЁТ – МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ОМИЛИ



Кўрииб туриб-дики, натижалар чакки эмас. Аммо шиддатли давнинг ўзи биздан мазкур соҳада ягона ҳукукий базани яратишни, креатив соҳаларни аниқ белгилаш, уларнинг ЯИМ-даги улушини ошириш ва-зифасини олдимизга қўймоқда.

Куни кеча Президентимиз томонидан имзоланган “Креатив иқтисодиёт тўғрисида”ги Қонун билан шу масалаларга йўналтирилганлиги билан эътиборга молик.

Қонунда миллий иқтисодиётимизнинг 15 йўналиши креатив иқтисодиёт соҳалари сифатида белгиланмоқда.

Улар қуйдагилардан иборат:

- адабий ижод;
- архитектура, лойиҳалаш, урбанистика;
- аудиовизуал санъат;
- ихрочилик санъати;
- концерт-томоша фаолияти ва оммавий-маданий тадбирлар ташкил этиш;
- мода ва дизайн санъати;
- музейлар, бадий галерейлар, ахборот-кутубхона фаолияти;
- наشريёт ва матбаа соҳасидаги ижодий фаолият;
- оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ижодий фаолият ва интернет орқали узатиш;
- продюсерлик фаолияти;
- рақамли технологиялар соҳасидаги ижодий фаолият;
- реклама соҳасидаги ижодий фаолият;
- санъат ашёлари ва маданий мерос объектларини асрашга доир ҳамда реставрация фаолияти;
- тасвирий санъат;
- халқ амалий санъати, хунармандчилик.

Қонунда креатив иқтисодиёт бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш механизмлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатлари белгилаб қўйилмоқда. Айни чоғда креатив иқтисодиётни ривожлантириш бўйича республика кенгаши тузилади ва у жамоатчилик асосида фаолият олиб борадиган маслаҳат органи ҳисобланади.

Қонун асосида креатив иқтисодиёт учун зарур инфратузилма яратиш ва қўллаб-қувватлаш механизмлари белгиланаётганини ҳам айтиш зарур. Масалан, креатив индустриялар парки ва кластерлари, рақамли платформалар, таълим дастурлари ва тўғарақлар ҳамда арт-резиденциялардан иборат ягона экотизим яратилиши назарда тутиляпти.

Креатив индустриялар паркининг асосий вазифалари қуйдагилардир:

- креатив индустрияни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
- креатив иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш;
- креатив индустриялар парки резидентлари учун зарур ресурслар ва инфратузилма мавжудлигини таъминлаш;
- креатив индустрия маҳсулотлари айланмаси ва экспортини ошириш учун экотизимни ривожлантириш, шу жумладан, электрон платформалар ва онлайн-бозорлар яратиш;
- креатив индустрияда иш ўринлари яратиш ҳамда соҳа учун кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- соҳада инновация ва ижодкорликни рағбатлантириш механизмларини белгилаш.

Шунингдек, қонунда креатив индустрия соҳасида фаолият кўрсатаётган ва сўнгги 12 ойда даромадининг камида 80 фоизини креатив соҳа фаолиятидан олган ёки шу соҳага мансуб бизнес-режага эга субъектлар рўйхатдан ўтиши мумкинлиги қўзда тутилаётир.

Кези келганда мамлакатимизда 2030 йилгача креатив иқтисодиётнинг умумий иқтисодиётдаги улушини 5 фоизга етказиш мақсад қилинганлини қайд этиш зарур. Бу борада эса сўз юритилаётган қонун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Инновациялар ва ижодкорлик рағбатлантирилади

Абдугани УМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Бугунги кунда “креатив иқтисодиёт”, “креатив индустрия” каби тушунчалар бутун жаҳонда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам тобора оммалашиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, барча соҳа, айниқса, иқтисодиёт тараққолирига ҳам янгича ёндашув ва гоёлар, инновацион янгиланишлар каби ўзига хос ноёб йўналишларнинг қайб келишига сабаб бўлмоқда. Бинобарин, бир пайтлар тасаввуримизга сизмаган кашфиётлар эндиликда турмуш шароити-мизда кенг қўлланиляпти. Мисол учун, рақамли технологиялар, дронлар, қолаверса, ҳайдовчи-сиз ҳаракатлана оладиган автомобилларнинг бошқарувчи суниёй интеллект кабилар инсон омилини борган сари камайтириб, замонавий технологияларга асосланган келажакни барпо этишга хизмат қилмоқда.

Қайд этиш жоизки, кўпгина ривожланган давлатларда креатив соҳаларни ривожлантириш

бундан бир неча йиллар аввал қўллаб-қувватлана бошланган. Унинг Ўзбекистон учун бугунги кундаги аҳамияти ҳақида тўхталганда, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожда ҳам аҳолини иш билан таъминлаш, ижодий қобилиятга эга истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда креатив тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш зарурати ортиб бормоқда.

Шу боис юртимизда креатив индустрияни юқори ривожланиш даражасига олиб чиқишда муҳим чора-тадбирлар қўрилмади. Масалан, ёшларга мактаб давридан бошлаб креатив тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқилляпти. Ушбу таълим дастурларини янада кенгайтириш тадбиркор ёшлар фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим омил бўлмоқда.

Президентимиз томонидан имзоланган “Креатив иқтисодиёт тўғрисида”ги Қонун мамлакатимиз иқтисодиётининг янада ривожланишига, бу борадаги янги имкониятларни ишга солишга хизмат қилади.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг бой маданий меросини оммалаштириш ва ундан фойдаланиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, туризм соҳасининг ривожланишига ҳам ҳисса қўшади. Мамлакатимизнинг кўп асрлик тарихи, ноёб архитектураси ва бой маданий креатив иқтисодиёт орқали янги шаклда намоён бўлиши ва жаҳон бозорига чиқиши мумкин.

Яна бир эътиборли жиҳати, қонунда креатив индустрия парки ва кластерларини яратиш назарда тутилди, унинг резидентларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс этди. Бу эса инновацион гоёлар ва стартапларни қўллаб-қувватлаш учун муҳим платформа бўлиб хизмат қилади. Айни вақтда Ўзбекистонда “креатив экотизим”ни шакллантиришга ёрдам бериб, ижодкорлар, тадбиркорлар ва инвесторлар ўзаро фойдали ҳамкорлик қилишига замин яратади.

Аҳамиятлиси, ушбу ҳужжат креатив соҳа вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутиши бораборида, креатив индустрия соҳаларида инновацияларни ва ижодкорликни кенг рағбатлантиради.

Асосий йўналишлар белгиланди

Шухрат ШАРОФУТДИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— “Креатив иқтисодиёт тўғрисида”ги Қонун мамлакат иқтисодиётининг янги, истиқболли йўналишини ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Ушбу қонун глобал тенденцияларга мос равишда ишлаб чиқилган бўлиб, юртимизда креатив иқтисодиётни жадал ривожлантиради.

Бинобарин, унда креатив иқтисодиёт бўйича давлат сиёсатини амалга оширишнинг механизмлари белгилаб қўйилди. Унга кўра Вазирлар Маҳкамаси соҳага оид ягона сиёсат амалга оширилишини таъминлайди.

Ҳужжатда қайд этилганидек, давлат креатив иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳамда креатив индустрия соҳаларида қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳити яратилиши ҳам томонлама қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, унга асосан давлат креатив индустрия субъектларига солиқлар ҳамда бошқа тўловлар ва тарифлар бўйича имтиёзлар ва преференциялар бериши ҳам мумкин.

Мазкур қонун билан креатив иқтисодиёт учун зарур инфратузилма яратиш ва қўллаб-қувватлаш механизмлари ҳам белгиланди. Жумладан, креатив индустриялар парки ва кластерлари, рақамли платформалар, таълим дастурлари ва тўғарақлар, арт-резиденциялар шаклларида ягона экотизим яратилиши назарда тутилди.

Шу билан бирга, креатив иқтисодиёт учун зарур инфратузилмага асос солиш масаласи ҳам ўрин олганини алоҳида қайд этиш жоиз. Айниқса, соҳани қўллаб-қувватлаш механизми белгилаб берилганлиги истиқболда уни тизимли ривожлантириш ва янада кенгайтириш имконини беради. Креатив иқтисодиёт соҳалари этиб белгиланган 15 та йўналишнинг ҳар бири бўйича эса бизда етарли даражада фундамент ҳам, салоҳият ҳам бор.

Ишончимиз комилки, мазкур қонун Ўзбекистон Республикасининг Глобал инновациялар индексидаги ўрнини ошириш, креатив индустрия соҳасидаги инновацион гоёлар ва лойиҳаларни ривожлантириш, халқаро ва ички туризминг раванқ топтиришга қаратилган креатив маҳсулотлар, хизматларни сотиш учун шароитлар яратади.

Қолаверса, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш бораборида, мамлакатнинг инновацион салоҳиятини оширишга, ёшлар бандлигини таъминлашга ҳамда маданий меросни сақлашга хизмат қилади.

Янги гоёларни қўллаб-қувватловчи ҳужжат

Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— Давлатимиз раҳбари ўтган йили Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқида иқтисодиётимиз барқарорлиги, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилувчи янги йўналиш — креатив иқтисодиётга алоҳида тўхталди, “келгуси йили Тошкентда креатив иқтисодиётга бағишланган халқаро конференцияни ўтказамиз.

Креатив иқтисодиётни ривожлантириш бўйича алоҳида қонун қабул қилиш ҳам кун тартибидagi долзарб масалалар”, деган эди.

Мамлакатимиз раҳбарининг ҳар бир соҳа бўйича илгари сурган ташаббуслари доимо амалиётда ўз тасдиғини ва ижросини топган. Хусусан, юқоридаги фикрларининг ижроси ўлароқ шу йил 2 — 4 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида Креатив иқтисодиёт бўйича IV Бутунжаҳон конференцияси ўтказилди.

Шунингдек, соҳани қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ва ушбу йўналишдаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган “Креатив иқтисодиёт тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Ҳар қандай соҳага мадад бериш ва раванқ топтиришда унинг инфратузилмаси, яъни иқтисодий, ижтимоий, маданий ва рақамли ресурсларнинг комплекс мажмуаси муҳим ўрин тутади. Ушбу қонунда ҳам креатив иқтисодиёт инфратузилмаси креатив индустрия парклари, креатив индустрия кластерлари, арт-резиденциялари, марказлари, инновацион ускуналар ва технологиялар, рақамли дастурлар ва платформалар ҳамда бошқа шаклларда бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

БМТнинг савдо ва ривожланиш конференцияси (UNCTAD) маълумотларига кўра маданий ва креатив соҳадаги маҳсулотларнинг дунё ялпи ички маҳсулотидagi улуши 3,1 фоизни ташкил этаётгани ҳамда дунёдаги иш билан банд аҳолининг 6,2 фоизи ушбу соҳага тўғри келаятгани мазкур қонуннинг нақадар долзарб эканини кўрсатади.

Қонун мамлакатимизда ҳам ижодиёт, интеллектуал қобилият, шунингдек, инновациялар ҳамда технологияларга асосланган иқтисодиёт тармоғини, хусусан, креатив маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқариш, сақлаш, тарқатиш ва илгари суриш билан шугулланадиган жисмоний ва юридик шахслар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш, улар сафини кенгайтириш учун ҳуқуқий асос бўлиб мамлакатимиз ЯИМ таркибига креатив иқтисодиёт улушининг орттишига хизмат қилади.

Халқаро ва миллий тажриба: муҳим жиҳатлар ва кўрсаткичлар

Самандар ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институти бош илмий ходими:



— Ўзбекистон иқтисодиётда креатив иқтисодиётнинг улуши катта миқдорни ташкил қилмасда, лекин тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. 2022 йил якунига кўра мамлакатда креатив иқтисодиёт соҳасида

150 мингдан ортиқ кишилар банд бўлиб, бу расмий иқтисодиётда фаолият юритаётганларнинг 1,1 фоизига тенгдир. Шунингдек, креатив иқтисодиётда банд бўлганлар даромадлари умумий даромадларнинг 15 фоизидан ортигини (6,7 триллион сўм) ташкил этади. Бу рақамлар креатив иқтисодиётнинг Ўзбекистон учун катта салоҳиятга эга эканини кўрсатади.

Президентимиз томонидан имзоланган қонуннинг аҳамияти шундаки, у Ўзбекистонда креатив иқтисодиётни ривожлантириш учун ҳуқуқий асос яратади. Хусусан, 15 та креатив иқтисодиёт соҳасини белгилайди, давлат сиёсатини амалга ошириш механизмининг ўрнатади ва таркомий қўллаб-қувватлаш учун зарур инфратузилмани яратишни назарда туттади. Бу, ўз навбатида, креатив индустрия субъектларига ҳуқуқий ҳимоя ва қўллаб-қувватлашни таъминлайди, уларнинг фаолиятини рағбатлантиради ва соҳанинг ривожланишига туртки беради.

Шунингдек, мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, креатив иқтисодиёт навқирон авлод учун янги иш ўринлари яратиш ва уларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш имкониятини беради.

Халқаро тажрибага назар ташласак, бугунги кунда креатив иқтисодиётни ривожлантириш бўйича қонунларни қабул қилган давлатлар соҳада сезиларли ютуқларга эришмоқда. Масалан, Жанубий Кореяда 2010 йилда “Маданий индустрияларни ривожлантириш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Хозирда креатив иқтисодиёт мамлакат ЯИМнинг 6,5 фоизини ташкил этади. Индонезияда 2019 йилда “Креатив иқтисодиёт тўғрисида”ги қонун имзоланган. Натижада креатив иқтисодиётнинг мамлакат ЯИМдаги улуши 7 фоизга етган. Буюк Британия эса бу соҳада етакчи мамлакатлардан бири саналади. Бу ерда 2035 йилгача инновациялар стратегияси қабул қилинган бўлиб, ҳозирда креатив индустрияларда 2,1 миллион киши фаолият юритмоқда. Соҳанинг ЯИМдаги улуши 5,8 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон ҳам ушбу тажрибадан фойдаланиб, ўзининг креатив салоҳиятини янада кенгайтириши мумкин. Айниқса, мамлакатимизнинг бой маданий мероси ва ёш аҳолиси креатив иқтисодиётни ривожлантириш учун қатор имкониятлар яратади.

Шу ўринда қонун Ўзбекистоннинг креатив иқтисодиёт соҳасидаги салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этишини айтиш жоиз. Аввало, креатив товарлар ва хизматлар экспортини рағбатлантириш орқали мамлакатнинг савдо балансига ижобий таъсир кўрсатади. БМТнинг савдо ва ривожланиш конференцияси (UNCTAD) маълумотларига кўра 2017 — 2021 йиллар оралиғида Ўзбекистонда креатив товарлар ва хизматлар импортнинг ўртача ўсиш суръати 27 фоизни, экспортники эса 24 фоизни ташкил этган. Янги қонун бу кўрсаткичларни янада ошириш ва экспортни рағбатлантиришга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».



Махмуджон ПАРПИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очикликни таъминлаш масалалари қўмитаси аъзоси:

— Мулоқот давомида таълимнинг ажралмас қисми бўлган тарбия ва одоб-ахлоқ масаласига алоҳида ург берилди. Шу мақсадда Қори Ниёзий номидagi Тарбия педагогикаси миллий институти янгидан ташкил этилди. Эндиликда институтининг тарбия соҳасидаги миллий аънавларини ўрганиш, тиклаш ва замонавий маънавий-ахлоқий тарбия тизимини жорий қилиш йўналишидаги фаолиятини янада қучайтириш чоралари қўрилади.

Шуларга мос ҳолда ёшларда гоёвий имунитетни шакллантириш, ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар учун тарбияга тааллуқли рақамли контентлар яратиш ҳам бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланади. Айни чоғда театр ва кино санъатидан фойдаланиш, ёшлар ижодини қўллаб-қувватлаш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ҳамда китобхонликни янада кенгайтириш ва-зифалари олдимизда турибди.

Булардан қўзланган мақсад тушунарли, яъни бугунги интернет даврида фарзандларимизнинг турли бузғунчи гоёларга алданиб қолишининг олдини олиш ҳамда уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камолга етказишдан иборат.

Бундан ташқари, уларнинг интернет даврида фарзандларимизнинг турли бузғунчи гоёларга алданиб қолишининг олдини олиш ҳамда уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камолга етказишдан иборат.

Анвар ТўЙЧИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзоси:



— Бугунги кунда юртимизда барча соҳа каби илм-фан, ёшларга билим бериш йўналишларида ҳам катта ютуқларга эришилмоқда. Натижада ёшларимиз халқаро фан олим-пиадларида иштирок этиб, нуфузли ўринларни қўлга киритмоқда.

Бу борадаги натижани ҳамда яхшилаш имкониятимиз бор. Давлатимиз раҳбарининг таълим муассасаларида халқаро даражада фан олимпиадаларига тайёрлаш марказларини ташкил этиш ташаббуси айна мақсадга қаратилгани билан эътиборга молик.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ВАЗИФАЛАРНИ САМАРАЛИ БАЖАРИШДА ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКИ ЗАРУР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 23 сентябрь кўни қурилиш индустрияси ва қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида қурилиш соҳасидаги долзарб масалалар, жумладан, тармоққа доир стандарт ва ёндашувларни бугунги кун талаблари асосида такомиллаштириш ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини мунтазам янгиллаб бориш бўйича устувор вазифалар ва йўналишлар белгилаб берилган эди.

Мазкур вазифаларни ўз вақтида ва самарали бажариш, бунда вакиллик органларининг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида Олий Мажлис палаталарининг қўшма Кенгаши қарорни қабул қилинди.

Мазкур қўшма қарорга асосан икки палата вакилларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, уларнинг олдида

қурилиш соҳасига оид амалдаги қонунчиликни ҳар томонлама қўриб чиқиш ҳамда соҳада фаолият олиб бораётган тадбиркорларнинг, фуқаролик жамияти институти-рининг фикрларини, илгор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш вазифаси қўйилди.



Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан соҳада “хуфийна иқтисодиёт” улушини ҳамда коррупцион ҳолатларни камайтириш, меҳнат муносабатларини тартибга солиш, малака даражаларини ва талабларини белгилаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш режалаштирилган.

Ҳозирги кунда ишчи гуруҳ томонидан мазкур вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш бўйича жадал ишлар олиб боришмоқда.

ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИГА ОИД ЛОЙИҲА ИККИНЧИ ЎҚИШГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг экспертлик гуруҳи аъзолари, соҳа мутахассислари ва қонун ташаббускорларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.

Маълумот учун, мазкур қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг 2024 йил 6 августда бўлиб ўтган ялпи мажлисида биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинган эди.

Мазкур қонун лойиҳасида инвесторлар фаолиятининг кафолатлари, уларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари, шунингдек, мамлакатимизда қулай сармоявий муҳит яратиш ҳамда инвестицияларни рағбат-

лантиришга қаратилган нормалар акс этмоқда. Хусусан, лойиҳада маҳаллий ва чет эллик инвесторлар учун қатор қулайликлар, имкониятлар берилиб, инвестиция соҳасидаги асосий халқаро тан олинган амалиёт ва тамойиллар жорий қилинмоқда.

Шу билан бирга, “устувор инвестиция лойиҳаси” тушунчаси киритилиб, ҳажмига кўра кичик, ўрта, йирик, стратегик инвестиция лойиҳаларига қонунга мувофиқ имтиёзлар бериш қўзда тутилмоқда.

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАР

Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан нодавлат умумий ўрта таълим жараёнига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун лойиҳаси дастлабки тарзда қўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан юридик шахсларга ўз мабоғларга ҳисобидан нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари биналарини қуриш билан боғлиқ харажатларнинг фойда солиғини ҳисоблашда икки йил давомида тенг ушлардан чегириб ташлаш ҳуқуқи берилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб қилинадиган протез мосламалари ва уларнинг бутловчи, эҳтиёт қисмлари қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод этилиши қўзда тутиляпти.

Бундан ташқари, муҳтож шахслар протез мосламалари ва реабилитация восита-

Шу ташаббуснинг мантикий давоми сифатида бу йилдан бошлаб 14 та мактабда педагог касбига қизикадиган юқори синф ўқувчилари учун махсус синфлар ташкил этилишини алоҳида келтириб ўтиш зарур.

Мазкур синфларни тамомланган ўқувчилар ўзлари танлаган йўналишдаги олий таълим муассасасига кирса уларга 2-курсдан бошлаб мактабга бориб касбий маҳоратини ошириш ҳамда ўқувчиларга дарс бериши учун имконият яратилади. Алоҳида қобилиятга эга бўлган талабаларга дарс ўтгани учун белгиланган миқдорда ойлик маош ҳам тўланади.

Шунингдек, педагогика йўналишида ўқийтган иқтидорли талабалар учун Абдулла Авлоний номидаги стипендияни ташкил этиш ташаббуси илгари сурилдики, бу ҳам бўлажак педагоглар учун айна мудоаодир.

Кобил ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ис

КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ — ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ КАФОЛАТИ



“Адолат” СДПнинг “Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари!” деб номланган янги Сайловолди дастурида келгуси беш йилликда партия олдида турган устувор вазифа сифатида **жамиятда ижтимоий адолат тамойилини қарор топтириш** белгиланган.

Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва бу йўналишда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида дастурда **“Ижтимоий давлат — 2030”** дастурини ишлаб чиқиш белгиланган. Ижтимоий давлат ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиб бериш, ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш бўйича самарали сиёсат олиб борадиган давлат моделидир.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ушбу мақсадни амалга ошириш учун ўз дастурида **аҳоли ўртасида кескин табақаланишнинг олдини олиш**, бунинг учун ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа чораларни кўриш лозим деб ҳисоблайди. Қолаверса, партия аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим йўналиши бўлган **фуқароларнинг уй-жойли бўлишга оид конституциявий ҳуқуқларини** рўёбга чиқариш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратган.

Маълумки, кейинги йилларда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали даромади юқори бўлмаган ҳамда уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож оилалар, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёшлар ва бошқа аҳоли қатламларига қўмаклашиш ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашда манзиллилик ва шафдофлиқни таъминлашга қаратилган бир қатор самарали механизмлар жорий қилинди.

Хусусан, субсидиялар учун ажратилган маблағларни ўзлаштириш жараёнини тезлаштириш мақсадида субсидия хабарномасининг мuddати **12 ойдан 4 ойгача** қисқартирилди. Шу билан бирга, субсидияни ўз вақтида ишлатмаган шахслар учун субсидия олиш учун қайта мурожаат қилиш ҳуқуқи сақланиб қолди.

Аммо ушбу жараёнларда тадбиркорларнинг субсидия дaсoсидa уй сотиши билан боғлиқ жараёнлардаги бюрократик тўсиқлар ҳамда рақамлаштириш жараёнининг кенг қўлланилмаслиги айрим ҳолатларда тадбиркорларни ўзлари қурган уйлари н субсидия асосида сотишдан чекламақда.

Биз субсидияларни фақатгина давлат ҳисобидан эмас, балки қурилиш компанияларини ҳам бу жараёнга жалб қилган ҳолда амалга оширишни таклиф этмоқдамиз. Хусусан, субсидия асосида уй-жой қуриш ва сотишни йўлга қўйган тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш, солиқ имтиёзлари бериш, ер майдонлари ажратишда устуворлик белгилаш каби механизмлар орқали бунга эришиш мумкин.

Шу боис партия келгуси беш йилликда субсидияларни ҳақиқатда муҳтож бўлган фуқароларга ўзлари таналаган хуудудан уй-жой қуриш ва сотиб олиш учун имтиёзлар ажратиш тизимини такомиллаштириш, бунда **субсидия асосида уй сотган тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга** қаратилган ташаббусларни илгари суради.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман. Ўзбекистон **Халқ демократик партияси** Сайловолди дастурида ҳашаматли уй-жойларни барпо этаётган **қурилиш компаниялари ва тижорат банклари даромадидан мажбурий ажратмалар эвазига махсус жамғармалар** ташкил этиб, ушбу жамғарма ҳисобидан аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламлари учун ижтимоий тураржойлар қуриш таклиф этилган.

Маълумки, кейинги йилларда қурилиш ва банк соҳаларида қонунчилик нормаларининг такомиллаштирилиши, рақобат муҳитининг яратилгани минглаб инсонларнинг ўз уйларига эга бўлишларида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Ўзбекистон **Халқ демократик партияси**нинг ушбу ташаббуси амалга ошириладиган бўлса, сўнгги йилларда энди оёққа

тураётган қурилиш соҳаси ривожланишга **салбий таъсир қилиб, соҳада рақобат муҳитининг бузилишига** олиб келиши мумкин.

Маълумки, янги тахрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланиши ҳамда хусусий мулк дахлсиз бўлиб, мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Бироқ сўнгги вақтларда реновация жараёнларига оид қабул қилинган айрим қарорлар орқали аҳоли яшаб келаётган тураржой бинолари ва бошқа ижтимоий объектларни бузиш ва қайта қуриш билан боғлиқ салбий ҳолатлар кузатилмоқда. Бу эса фуқароларнинг энг муҳим конституциявий ҳуқуқи бўлмиш уй-жойли бўлиш, мулкдор бўлиш ҳуқуқига тўғридан-тўғри дахл қилади.

Партия уй-жой билан боғлиқ бундай лойиҳалар мустаҳкам қонуний асосга таяниши, уй-жой мулкдорлари ҳуқуқ ва манфаатлари реновациянинг ҳар бир босқичида қонун билан ишончли ҳимоя қилингандagina самарали амалга оширилишини ҳисобга олиб, янги Сайловолди дастурида **реновацияга доир қонунни** ишлаб чиқиш, уни амалга оширишининг қатъий талаб ва тартиблари, уй-жой мулкдорлари ҳуқуқларига риоя этиш кафолатлари бўлмагунча бундай лойиҳаларни амалга оширмаслик таклифи илгари сурилган.

Ижтимоий объектлар фақат халқники бўлиши керак

Партиянинг 2025 — 2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида **жамиятда ижтимоий адолат тамойилини қарор топтиришга** қаратилган ижтимоий йўналишдаги ташаббуслар акс эттирилган. Шу билан бирга, дастурда бошланган халқчил ислохотларни узвий давом эттириш, бугунги глобаллашув жараёнларидан келиб чиқадиغان вазифа ва мақсадлар ҳам белгиланган.

Тахлилларга кўра, ҳозирги кунга қадар республика бўйича **184 та истироҳат богининг** дархазтор ҳудудлари камайтирилиб, **944 та** бино-иншоот қурилган, **18 та** истироҳат боғида **91 та** ноқонуний қурилма мавжуд экани аниқланган, **98 тасида 1248 та** аттракцион ноқонуний ўрнатилгани ҳам маълум.

Қолаверса, истироҳат боғларининг ерларини маҳаллий ҳокимият заҳирасига олиш ва кейинчалик хусусийлаштириш ёки бегоналаштириш амалиёти кузатилмоқда.

Шу боис партия дастурида **исти-роҳат боғлари, болалар оромгоҳлари, сайилгоҳлар, таълим ва тиббиётга оид давлат объектлари** ва уларнинг ҳудудларини **сотиш, хусусийлаштириш ёки бегоналаштиришни тақиқлаш**, бундай ҳаракатлар учун **жавобгарлиқни белгилаш** таклиф қилинган.

Шу ўринда айтиш жоизки, баъзи ҳолатларда айрим сиёсий партиялар томонидан илгари сурилган ташаббуслар қанчалик жозибадор бўлмасин, чуқур таҳлил ва асосга эга бўлмагани учун сайловчилар фикрини қалғитиши мумкин.

Мисол учун, Экологик партиянинг 2030 йилдан пойтахт ва йирик шаҳарларда ички ёнув двигателли энгил автомобиллар ҳаракатини, 2035 йилдан мамлакатда уларнинг сотилишини тақиқлаш ташаббусини олайлик.


Бугунги кунда юртимизда 4 миллиондан зиёд автомобиллар мавжуд. Партиянинг ушбу ташаббуси амалга ошса, бу машиналарнинг тақдири нима бўлади? 2030 йилдан пойтахт ва йирик шаҳарларда ички ёнув двигателли энгил автомобиллар ҳаракати тақиқланса, автомобилъ саноатимиз электромобилларга бўлган талабни қондира оладими? Қолаверса, бу борада аҳоли даромади ва мамлакатдаги инфратузилманинг бунга тайёрлик ҳолати ҳам ҳисобга олиниши керак.

Сайловолди дастуримиздан юртимиз аҳолисига қулайлик яратишга қаратилган қатор таклифлар ҳам ўрин олган.

бўйича аниқ тартиблар ва ҳуқуқий асосларга эга, талабалар жойлашиши мумкин бўлган бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар базаси (ягона платформа) яратиш мақсад қилинган. Бу айни вақтда иш берувчининг ёш кадрларга қизиқишини оширади. Энг муҳими, йигит-қизлар ўз иш жойларига эга бўлишини таъминлайди.

Шу ўринда айтиш жоизки, жамиятда ижтимоий адолатни таъминлашда ёлланма ишчиларнинг иш берувчилар билан ўзаро муносабатларида қонунларга риоя қилинишини таъминлайдиган ва меҳнат мижозларининг олдини оладиган самарали механизмларни жорий этиш мақсадида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси **ёлланма ишчи фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини қучайтириш, ёлланиб ишлаган даври уларнинг меҳнати иш стажига қўшилишини белгилаш** тартибини жорий қилишни таклиф этмоқда.

Тахлилларга кўра, ҳозирги кунда



imkoniyatlar va adolatli jamiyat sari!

Партия мамлакатимизнинг чекка ҳудудлари ва кичик шаҳарларнинг ривожланишини жадаллаштириш, ҳудудлар ва пойтахт орасидаги кескин иқтисодий ва ижтимоий тафовутга йўл қўймаслик мақсадида **шаҳар ва қишлоқларимизда аҳоли истиқомат қилиши учун зарур шарт-шароитларни янада кенгайтиришни** долзарб вазифа, деб билади.

Шунингдек, партия йўл инфратузилмасини ривожлантириш, шаҳарлар марказларида тирбандлик ва бошқа кўнглисиз оқибатлар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида **пиёда-лар учун ер усти ўтказгичлар қуришни қўллаб-қувватлаш**, аҳолининг вақтини тежаш, манзилга ўз вақтида етиб боришни таъминлаш мақсадида **жамоат транспортлари қатновини тартибга солиш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш** борасида амалий ишларни ҳаётга татбиқ этишни мақсад қилган.

Ёш мутахассисларни кафолатланган биринчи иш жойи билан таъминлаймиз

Партия ўз дастурида **фуқароларни иш билан таъминлаш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари муҳофазасини қучайтиришга** қаратилган қатор долзарб таклифларни илгари сузмоқда.

Биламизки, бугунги кунда мамлакатда амалга ошириляётган ислохотлар натижадорлигини таъминлашда замонавий талабларга жавоб берувчи профессионал кадрларнинг ўрни юқори. Шу боис кейинги йилларда таълим тизимини тубдан ўзгартириш, уни халқроқ стандартларга мослаштириш, меҳнат бозори талабига мос юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш бўйича энгил ислохотлар амалга оширилмоқда. Партиямиз дастурида малакали кадрлар тайёрлаш ва битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада салмоқли ишлар олиб бориляётгани баробарида муайян камчиликлар ҳам йўқ эмас. Шу боис партия олий ва профессионал таълим муассасалари битирувчилари учун **“Кафолатланган биринчи иш жойи” лойиҳасини** амалга оширишни таклиф қилмоқда.

Ушбу лойиҳадан олий таълим битирувчиларини ишга жойлаштиришга ихтисослаштирилган ва барча учун қулай бўлган, бандлиқни таъминлаш

мамлакатимизда турли хил секторларда меҳнат қилаётганларнинг 60 фоизи ёлланма ишчи ҳисобланади. Партия ташаббусининг амалга оширилиши минглаб аҳолининг ижтимоий ҳимояси таъминланишига, қолаверса, солиқ тушумларида муайян иқтисодий ўсишга эришилишига олиб келади.

Таълим соҳасидаги ислохотларни давом эттириш устувор вазифа

Шубҳасиз, ижтимоий адолат тамойиллари устувор давлат барпо этишда, биринчи навбатда, таълим, илм-фан ва инновациянинг аҳамияти жуда катта. Ижтимоий давлатга хос бундай ёндашувлар, яъни **таълим соҳаси бўйича** нормалар янги тахрирдаги Конституциямизда қарийб **2 баробарга** оширилди.

Шу боис партия таълимга инвестицияни келажакка инвестиция, халқ фаровонлиги, давлатнинг рақобатдошлигини таъминловчи омил сифатида қарамоқда. Партия узлуксиз таълим тизимини мунтазам такомиллаштириш, сифатли таълим-тарбия бериш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш тарафдори. Бу борада таълимнинг ҳар қандай турида таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини ишлаб чиқиш, айниқса, давлат мактабгада таълим муассасаларига тарбияланувчиларни қабул қилиш тартибини қайта кўриб чиқиш, бу борада **“очик онлайн рўйхат” ташкил этиш** зарур, деб ҳисоблайди.

Шунингдек, мактабларда ўқитиляётган **Технология** фани ўқувчиларнинг келажаги учун ўта муҳим аҳамият касб этишидан келиб чиқиб, ушбу фанни ўқитишни замон талаблари асосида йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, сунъий интеллект асосида **“акли мактаб”** дастурини таълим тизимига жорий этишни таклиф қилмоқда.

Шу билан бирга, таълим соҳасидаги ислохотларни қўллаб-қувватлашда партия **таълим соҳасида меценатлиқни** ривожлантириш учун қонунчиликни такомиллаштиришни, **тадбиркорлар ва компаниялар стипендиялари жорий этилишини** қўллаб-қувватлайди.

Янги тахрирдаги Конституциямизда ўқитувчи мақоми алоҳида белгилангани бежиз эмас. Зеро, жамиятимизда ўқитувчининг обрўси ошса, бутун миллатнинг обрўси ошади. Шу боис партиямиз электоратининг

ларини кенг жорий этишни кенгайтириш гоёси илгари суриляпти.

Бундай самарали тиббий тизим ҳамда тиббиёт ходимларини қонун йўли билан ҳар томонлама ҳимоялаш жаҳоннинг қатор ривожланган давлатларида, жумладан, Германия, Франция, АҚШ ва Исроилда кенг қўлланилмоқда.

Қолаверса, партия **“акли тиббиёт”** тизими билан бир қаторда **“электрон поликлиника”** ва **“ягона электрон анкета”** тизимларини йўлга қўйиш, **тиббиёт даромад олиш манбаига айланиб қолмаслиги учун** нодавлат тиббиёт ташкилотларини **“тижорат ташкилоти”дан нотижорат ташкилотига ўтказиш** тарафдори.

Ҳозирги кунда республикаимизда қўплаб нодавлат тиббиёт ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Бироқ уларнинг тадбиркорлик субъекти, яъни тижорат ташкилоти сифатида рўйхатга олингани, бир томондан, айрим нодавлат тиббиёт ташкилотларида инсон саломатлигини асрашдан кўра даромад топишнинг устуи қўйилишига олиб келмоқда. Иккинчи томондан эса улар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга тўсқинлик қилмоқда.

Шу боис партия нодавлат тиббиёт ташкилотларининг алоҳида ҳуқуқий мақомини қонунда белгилаб қўйишни, яъни уларни **“тижорат ташкилотидан” нотижорат ташкилотига** ўтказишни таклиф қилмоқда.

Бу эса мазкур тиббиёт ташкилотлари фаолиятини уларнинг молиявий хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда жамоатчилик назорати тартибида ўрганиш, уларнинг даромад олиш манбаига айланиб қолмасликларини таъминлаш имконини беради.

Шунингдек, партия ўз дастурида фармацевтика соҳасини тартибга солиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни таклиф этар экан, бундай тизим, энг биринчи ғалда, **фармацевтика ва тиббиёт ходимлари орасидаги яширин келишувларга ҳамда дорилар нархининг асоссиз оширилишига** чек қўяди, деб ҳисоблайди.

Шу боис партия фармацевтика ва **тиббиёт ходимлари орасидаги яширин келишув ва ноқонуний мулоқот, фармацевтларнинг тиббиёт муассасаларига гаразли хомийлигини тўлиқ тақиқлаш**, бу каби ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгилаш тарафдори.

Шу билан бирга, партия **дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг аҳолига арзон ва қулай бўлишини таъминлаш** мақсадида **дориларнинг ягона электрон базасини шакллантириш** ва мамлакат бўйлаб яхлит электрон тизимни жорий қилиш, дори нархлари сунъий оширилишининг олдини олиш мақсадида хорижий тажриба асосида дори воситалари ҳаракатланishi занжири-ни кузатиш технологиясидан фойдаланишни йўлга қўймоқчи.

Муҳаммад ВАЛИЕВ,
Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчило палатаси депутатлари.

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.01 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6